

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган 2024 йилга мўлжалланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ижроси тўғрисида
ТАҲЛИЛИЙ МАЪЛУМОТ

24.09.2024 йил ҳолатида

Т/р.	Вазифа	Амалий чора-тадбир	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
I. ҲАР БИР ИНСОНГА ЎЗ САЛОҲИЯТИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШИ УЧУН МУНОСИБ ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИШ					
37-мақсад: Олимпия ва паралимпия ҳаракатини ривожлантириш					
1.	<p>2025 йилда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Ёшлар ўртасида IV ёзги Осиё ва V Параосиё ўйинларига комплекс тайёргарлик кўриш ҳамда Олимпия шаҳарчаси объектларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси.</p> <p>6-илова 19-банд</p>	<p>Лойиҳада:</p> <p>2025 йилда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Ёшлар ўртасида IV ёзги Осиё ва V Параосиё ўйинларига комплекс тайёргарлик кўриш бўйича ташкилий қўмита тузиш;</p> <p>2025 йилда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Ёшлар ўртасида IV ёзги Осиё ва V Параосиё ўйинларига комплекс тайёргарлик кўриш бўйича чора-тадбирлар дастури;</p> <p>Олимпия шаҳарчасига Ўзбекистон давлат спорт академияси, Жисмоний тарбия ва спорт илмий тадқиқотлар институти, Паралимпия спорт турлари бўйича мутахассисларни тайёрлаш институти ҳамда спорт федерациялари ва ассоциацияларини жойлаштириш;</p> <p>Олимпия шаҳарчасидаги объектларни авайлаб сақлаш, келгусида улардан самарали фойдаланиш, қўриқлаш тизимини «ақлли шаҳар» концепциясига боғлаш;</p> <p>худудда ташриф буюрувчиларга турли хизматлар кўрсатиш ва шароитлар яратишни назарда тутувчи таклифлар масалалари назарда тутилади.</p>	2024 йил август	<p>Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги</p> <p>Б. Закиров,</p> <p>Тошкент шаҳар ҳокимлиги</p> <p>Ш. Умурзоқов</p>	<p>БАЖАРИЛГАН.</p> <p>2025 йилда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Ёшлар ўртасида IV ёзги Осиё ва V Параосиё ўйинларига комплекс тайёргарлик кўриш ҳамда Олимпия шаҳарчаси объектларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари бўйича Спорт вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган қарор лойиҳа ягона электрон веб сайти орқали “project.gov.uz” (ID-93689) вазирлик томонидан эътирозларсиз келишиб берилган.</p>

38-мақсад: Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш					
2.	Умуммиллий бирдамлик боғларини босқичма-босқич ташкил этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси. 6-илова 21-банд	Лойиҳада янги Ўзбекистонда ҳамжиҳатлик, ахиллик ва осойишталик каби умуммиллий қадриятларимизнинг рамзи ва уни шакллантирувчи макон сифатида республика маҳаллалари ҳудудида Умуммиллий бирдамлик боғларини босқичма-босқич ташкил этиш комплекс дастури назарда тутилади.	2024 йил сентябрь	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Маънавият ва маърифат маркази О. Хасанов	БАЖАРИЛМОҚДА. Умуммиллий бирдамлик боғларини босқичма-босқич ташкил этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига тегишли таклифлар ишлаб чиқилмоқда.
53-мақсад: Ўзбекистон Республикасининг глобал транспорт-логистика тармоқларига интеграциясини чуқурлаштириш ва миллий транспорт тизимининг салоҳиятини ошириш					
3.	Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, йўл-қурилиш ишларини амалга ошириш, шунингдек, уларни қабул қилиб олишда ҳажм ва сифат кўрсаткичларини назарда тутадиган («ҳажм усули») тартибни тасдиқлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси. 7-илова 14-банд	Лойиҳада: пудрат ишларини ҳажм кўрсаткичларига ўтказиш ва техник спецификациялар ишлаб чиқиш орқали лойиҳа-смета ҳужжатлари; йўл-қурилиш ишларини амалга ошириш, уларни қабул қилиб олишда ҳажм ва сифат кўрсаткичлари назарда тутилади	2024 йил март	Автомобиль йўллари қўмитаси Ж. Турсунов, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Б. Закиров	БАЖАРИЛГАН. Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, йўл-қурилиш ишларини амалга ошириш, шунингдек, уларни қабул қилиб олишда ҳажм ва сифат кўрсаткичларини назарда тутадиган («ҳажм усули») тартибни тасдиқлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига тегишли таклифлар ишлаб чиқилиб, Автомобил йўллар қўмитасига тақдим этилди.
60-мақсад: Ҳудудларни комплекс ривожлантириш, урбанизация стратегиясини амалга ошириш, аҳолини арзон уй-жой билан таъминлаш даражасини ошириш					
4.	Аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ва ҳудудларнинг мастер режаларини ишлаб чиқишда жамоатчилик фикрини ўрганиш ва овоз бериш механизмини жорий этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси. 7-илова 21-банд	Лойиҳада: аҳоли ва тадбиркорлар мурожаатларини ўрганиш орқали киритилган энг яхши таклифлар асосида аҳоли пунктларининг мастер режаларини ишлаб чиқиш бўйича дастурларни шакллантириш; мастер режаларини ишлаб чиқишда жамоатчилик фикрини ўрганиш ва овоз бериш механизмини жорий этиш тартибини тасдиқлаш; ишлаб чиқилган ҳудудларнинг мастер-режаларни ҳудудларда амалга ошириш механизмини яратиш назарда тутилади.	2024 йил июль	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги И. Норкулов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари	БАЖАРИЛГАН. Мазкур топшириқ ижроси юзасидан вазирлик томонидан ваколат доирасида тегишли ишлар амалга оширилди, қарор лойиҳаси ишлаб чиқилди. Адлия вазирлигининг 2024-йил 3-августдаги 9/2-0881-сонли ҳуқуқий экспертга хулосаси олинди. Барча керакли ҳужжатлар ва ташкилотлар томонидан берилган хулосалар билан биргаликда қарор лойиҳасини кўриб чиқиш ва келишиш учун Вазирлар Маҳкамасига 2024-йил 5-августдаги 13-05/1909-сонли хати киритилди.
5.	2024 йилда бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони лойиҳаси.	Лойиҳада: 2024 йилда аҳолига ипотека кредити ажратишнинг мақсадли мўлжалларини тасдиқлаш;	2024 йил март	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Б. Закиров, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва	БАЖАРИЛГАН. Топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида, тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда “2024 йилда ипотека кредити механизмларини такомиллаштириш ва аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур

	<p>7-илова 23-банд</p>	<p>2024 йилда ипотека кредити бўйича субсидия ажратишнинг мақсадли мўлжалларини тасдиқлаш;</p> <p>2024 йил учун бир қарз олувчига ажратиладиган ипотека кредитининг энг кўп миқдори ва дастлабки бадалнинг бир қисмини қоплаш учун қатъий белгиланган субсидия миқдорини белгилаш назарда тутилади</p>		<p>Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>	<p>Фармон лойиҳаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан берилган тақлифлар асосида:</p> <p>2024 йилда "Янги Ўзбекистон" ва бошқа массивларда 80 мингта квартираларни қўп қаватли уй-жойларни қуриш бўйича ҳудудлар кесимидаги мақсадли кўрсаткичлари;</p> <p>2024 йилда "Янги Ўзбекистон" массивларида қўп қаватли уй-жойлар қуришнинг мақсадли кўрсаткичлари;</p> <p>2024 йилда аҳолига ипотека кредити ажратишнинг мақсадли мўлжаллари;</p> <p>2024 йилда ипотека кредити бўйича субсидия ажратишнинг мақсадли мўлжаллари;</p> <p>2024 йил учун бир қарз олувчига ажратиладиган ипотека кредитининг энг кўп миқдори ва дастлабки бадалнинг бир қисмини қоплаш учун қатъий белгиланган субсидия миқдори назарда тутилган.</p>
ИИИ. СУВ РЕСУРСЛАРИНИ ТЕЖАШ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ					
62-мақсад. Республикада сувдан оқилонга фойдаланиш маданиятини ва сув ишлатиш самарадорлигини ошириш					
<p>6.</p>	<p>Ўзбекистон Республикасида ичимлик сув таъминотини тубдан яхшилашнинг 2030 йилгача бўлган стратегиясини тасдиқлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.</p> <p>8-илова 3-банд</p>	<p>Лойиҳада:</p> <p>сув таъминоти соҳасининг аҳоли ва уни ривожлантириш йўналишларини комплекс таҳлил қилиш;</p> <p>сув таъминотини ҳисобга олиш ҳамда мониторинг қилишни таъминлайдиган замонавий ахборот ва ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш;</p> <p>2024 йил якунига қадар республикадаги барча истеъмолчиларни ичимлик сувни ҳисобга олувчи замонавий асбоблар билан тўлиқ таъминлаш;</p> <p>турар-жой комплексларини режалаштириш ва қуришда ичимлик сув таъминоти объектларининг қувватини инобатга олган ҳолда лойиҳалаштириш, заруратга кўра реконструкция қилиш;</p> <p>ичимлик сув ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини босқичма-босқич ўзи тўлиқ қоплашни таъминлайдиган механизмларни</p>	<p>2024 йил сентябрь</p>	<p>Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги</p> <p>Б. Закиров,</p> <p>Иқтисодиёт ва молия вазирлиги</p> <p>И. Норкулов</p> <p>Сув хўжалиги вазирлиги</p> <p>Ш. Хамраев,</p> <p>Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги</p> <p>Б. Исламов</p>	<p>БАЖАРИЛМОҚДА.</p> <p>Ўзбекистон Республикасида ичимлик сув таъминотини тубдан яхшилашнинг 2030 йилгача бўлган стратегиясини тасдиқлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига тегишли тақлифлар ишлаб чиқилмоқда.</p>

		<p>жорий қилиш, бунда албатта жамоатчиликнинг фикрини инобатга олиш;</p> <p>ичимлик сувини ҳисоблашнинг замонавий асбобларини жорий этиш;</p> <p>аҳолини ичимлик сув билан таъминлашнинг йиллар ва ҳудудлар кесимида мақсадли кўрсаткичларини белгилаш;</p> <p>аҳоли пунктларини сув билан таъминлаш учун сув захираларини аниқлаш (гидрогеологик ишларни амалга ошириш);</p> <p>соҳага тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш;</p> <p>сув таъминоти ташкилотларининг моддий-техника базасини яхшилаш;</p> <p>ичимлик сув ресурсларини муҳофаза қилиш, экологияга салбий таъсир кўрсатаётган оқова сувлар билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш;</p> <p>сув таъминотидаги барча зарур ахборотларни ўз ичига олган, уларни мунтазам янгилаб борадиган ҳамда мониторинг қилишни таъминлайдиган ягона геоахборот тизимини жорий қилиш;</p> <p>олиб борилаётган тадбирларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш назарда тутилади.</p>			
66-мақсад: Республикада экологик вазиятни тубдан яхшилаш, инсон ҳаётига таъсир ўтказувчи экологик муаммоларни бартараф этиш					
7.	<p>Республикада оқова сув тозалаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси.</p> <p>8-илова 10-банд</p>	<p>Лойиҳада оқова сув тармоқларига меъёрдан ортиқча ифлослантирувчи моддаларни (қорамол териси, қоғоз ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, матоларни бўйаш, ёғ-мой, нефть ва газ маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда паррандачиликка ихтисослашган корхоналар ва қорамол қушхоналари чиқиндилари) оқизганлик учун амалдаги компенсация миқдорини кескин ошириш назарда тутилади.</p>	2024 йил октябрь	<p>Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги</p> <p>Ш. Хидоятлов,</p> <p>«Ўзсувтаъминот» АЖ</p> <p>Д. Азимов</p>	<p>БАЖАРИЛМОҚДА.</p> <p>Республикада оқова сув тозалаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасига тегишли таклифлар ишлаб чиқилмоқда.</p>

8.	<p>Ичимлик сувдан оқилона фойдаланишда жамоатчилик назоратини ўрнатиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси.</p> <p>8-илова 11-банд</p>	<p>Лойиҳада ичимлик сув таъминоти ташкилотлари ходимлари томонидан ичимлик ва оқова сув тизимларидан фойдаланишда аниқланган қоидабузарликлар ҳақида берилган маълумотларга асосан расмийлаштириб, ундирилган жарималардан хабар берган ходимларни белгиланган тартибда рағбатлантиришга йўналтириш ҳамда аҳоли томонидан махсус ахборот тизимига ноқонуний уланишлар ҳақида фотосуратлар ва видеоёзувларни юборган шахсларни белгиланган тартибда пул мукофоти билан рағбатлантириш назарда тутилади.</p>	2024 йил апрель	<p>Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги</p> <p>Ш. Хидоятлов</p>	<p>БАЖАРИЛГАН.</p> <p>Ичимлик сув таъминоти ва оқова сув чиқариш хизматлари кўрсатиш ҳамда ушбу хизматлардан фойдаланиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни олдини олишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамаси қарор лойиҳаси ишлаб чиқилди (ID-93430) ҳамда белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритилди.</p>
ИВ. ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ХАЛҚ ХИЗМАТИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ					
77-мақсад: Давлат хизматларини рақамлаштиришнинг қўламини кенгайтириш орқали аҳоли учун «Сервис давлат» тизимини жорий қилиш, фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатларда бюрократик тартиботларга барҳам бериш					
9.	<p>Коммунал тармоқлардаги барча рақамлар (газ, электр, иссиқ сув, ичимлик суви, канализация, чиқинди) жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамига ва юридик шахсларнинг солиқ тўловчининг идентификация рақамига боғлиқлигини таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.</p> <p>9-илова 8-банд</p>	<p>Лойиҳада ҳар бир шахсга «ягона миқоз» тамойили асосида уникал рақамдан фойдаланган ҳолда хизматлар кўрсатилишини йўлга қўйиш назарда тутилади.</p>	2024 йил август	<p>Рақамли технологиялар вазирлиги</p> <p>Ш. Шерматов,</p> <p>Адлия вазирлиги</p> <p>А. Ташқулов</p>	<p>БАЖАРИЛГАН.</p> <p>Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида, ишлаб чиқилган Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси, ягона электрон тизим “project.gov.uz” веб сайти орқали (ID-87058) билан тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилиб, Адлия вазирлигининг ижобий экспертиза хулосаси олинди.</p>